QMMB: 09/22/310/0491-son
08.06.2022-y.

**O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING**
**QARORI**

20**22** yil «**7**» **iyun** № **310** Toshkent sh.

**2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида**

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 июлдаги ПФ–6260-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда ёшлар билан “маҳаллабай” ишлаш, улар ўртасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 июлдаги ПФ–6260-сон Фармони 10-бандига мувофиқ:

ёшлар томонидан кўтарилган таклиф ва ташаббуслар, муаммо ҳамда масалалар ечими юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси ёшлари куни арафасида Ҳукуматнинг дастури, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг **алоҳида ҳудудий дастурларини қабул қилиш**;

мазкур дастурлар ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллаши, улар учун муносиб иш ва турмуш шароитини яратиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлардан иборат бўлиши**;

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 июнга қадар Ҳукумат дастури лойиҳасини** ҳамда **ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан ишлаш, жумладан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш;

“**Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти**” тамойили асосида беш босқичли “**маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика**” беш ташаббус олимпиадасини ўтказиш, шунингдек, ёшлар билан “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш, бунда уюшмаган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида кўчама-кўча тадбир ва лойиҳалар, танловлар, мусобақалар ҳамда тўгаракларни тизимли равишда ташкил этиш;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш;

ёшлар инфратузилмаларини ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёшлар сиёсатини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш чора-тадбирларини белгилаш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Дастурда назарда тутилган тадбирлар учун масъул этиб белгиланган вазирлик ва идоралар раҳбарлари уларнинг **ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши** ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ой якунида** Ёшлар ишлари агентлигига тегишли маълумотларнинг **тақдим этилиши** учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

Дастурда назарда тутилган **тадбирларни молиялаштириш** масъул ижрочиларнинг ўз маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

4. Вазирлик ва идоралар Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда **2022 йил 20 июнга қадар** Дастурда назарда тутилган тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, 2022–2023 йилларда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ўз **идоравий чора-тадбирлар дастурларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари **2022 йил 20 июнга қадар** Дастурда назарда тутилган тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, **ҳудудий ёшлар дастурларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги **Дастур, идоравий чора-тадбирлар дастурлари** ҳамда **ҳудудий ёшлар дастурларида** назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолатини доимий мониторинг қилган ҳолда, унинг натижалари юзасидан **ҳар чорак якунлари** бўйича **кейинги ойнинг 10 санасига қадар** Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Дастурда назарда тутилган мақсад ва вазифаларни, уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар орқали мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

QMMB: 09/22/310/0491-son
08.06.2022-y.



8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва жамоат ташкилотлари масалалари котибиятига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. Арипов**

QMMB: 09/22/310/0491-son
08.06.2022-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “7” июн даги 310-сон қарорига
илова

**2022–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш**
**ДАСТУРИ**

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшлар билан ишлаш** | | | | | |
| 1. | “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг (кейинги ўринларда – ёшлар) ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларини ҳал этиш ҳамда ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш. | 1. Ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи бўлган ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш.<br>2. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш.<br>3. Аниқланган муаммоларни бартараф этиш ва назорат қилиш. | 2022 йил июнь-август<br><br>2023 йил алоҳида режа асосида | “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ва тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, сектор раҳбарлари |
| 2. | “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга қаратилган мониторинг ишларини ташкил этиш. | 1. “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар билан ишлаш ва мониторинг олиб боришга қаратилган чора-табирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br>3. “Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар билан тизимли ишлашни йўлга қўйиш. | 2022 йил июнь-июль<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | – | Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида бепул дам олишларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Оромгоҳларни тайёрлаш ва жалб этиладиган вояга етмаганлар рўйхатини тузиш.<br>3. Оромгоҳларда болаларнинг дам олишини сифатли ташкил қилиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маблағлари | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 4. | Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларни турар жой билан таъминлаш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Уй-жой билан таъминланмаган меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшлар рўйхатини шакллантириш.<br>4. Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йиллар давомида | Маҳаллий бюджет маблағлари | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги |
| 5. | Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларга тўлов-контракт маблағларининг 50 фоизгача бўлган (базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача) миқдорини тўлаб беришга қаратилган **“Талабага мадад”** лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида таълим олаётган чин етим, ногирон, ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган, меҳрибонлик уйида тарбияланган талабалар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Талабаларга тўлов-контракт маблағларининг 50 фоизгача бўлган (базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравариgача) миқдорини тўлаб бериш. | 2022-2023 ўқув йили давомида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| 6. | Меҳрибонлик уйи, “SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари” ва оилавий болалар уйлари битирувчилари учун **“Иқтидор” касб-ҳунар оромгоҳи**ни ташкил қилиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Оромгоҳни тайёрлаш ва жалб этиладиган вояга етмаганлар рўйхатини тузиш.<br>3. Касб-ҳунар оромгоҳини Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да ташкил қилиш. | 2022 йил июнь-июль<br><br>2022-2023 ўқув йили давомида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| 7. | Муаммоли ва ажралиш ҳолатига келиб қолган ёш оилалар учун маҳаллаларда ҳафтада бир маротаба **психолог қабулларини ташкил этиш.** | 1. Ишчи гуруҳ тузиш.<br>2. Муаммоли ва ажралиш ҳолатига келиб қолган ёш оилалар рўйхатини шакллантириш. | 2022 йил июнь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Малакали психологларни жалб қилган ҳолда, маҳаллаларда қабулларни ташкил этиш. | 2022-2023 йиллар давомида | | |
| 8. | Эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва имконияти чекланган ёшларнинг Ўзбекистоннинг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳатини уюштириш.<br>Шунингдек, ҳар ойда камида бир маротаба театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларга ташрифларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Режа асосида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари ва имконияти чекланган ёшларнинг диққатга сазовор қадамжолар, театр ва бошқа маданий муассасаларга ташрифларини ташкил этиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 9. | Маҳаллалардаги ишсиз ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш.** | 1. Замонавий касб-ҳунар ўрганишга қизиқиши бўлган ишсиз ёшлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарлар билан ишсиз ёшларни мунтазам таништириб бориш.<br>3. Ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо-саноат палатаси, сектор раҳбарлари |
| 10. | “Маҳаллабай” ўрганишлар натижасида аниқланган ишсиз **ёшларни тадбиркорликка ўқитиш** ҳамда уларга кредит ажратилишида кўмаклашиш. | 1. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни тадбиркорликка ўқитиш.<br>2. Тадбиркорликка ўқиган ёшларга кредит ажратилишида кўмаклашиш. | 2022 йил июнь-август<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Савдо-саноат палатаси, Марказий банк ва тижорат банклари маблағлари | Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги, сектор раҳбарлари, Марказий банк ва тижорат банклари |
| 11. | Ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида таниқли тадбиркорлар иштирокида **“Бизнес марафон”** ва **“Агро марафон”** мотивацион тренинглар ташкил этиш ҳамда | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Юқори натижаларга эришган тадбиркорлар рўйхатини шакллан-тириш. | 2022 йил июнь-август<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | “Ёшлар - келажагимиз” жамғармаси маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Савдо-саноат палатаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги |

QMMB: 09/22/310/0491-son
08.06.2022-y.



| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | йирик тадбиркорлик субъектларига **“Бизнес саёҳатлар”** уюштириш. | 3. Ҳудудларда тренинглар ташкил қилиш ва тадбиркорлик субъектларига саёҳатлар уюштириш. | | | |
| 12. | Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда **бўш иш ўринлари ярмаркалари**ни ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ярмаркалар иштирокчилари рўйхатини шакллантириш.<br>3. Ярмаркаларни барча туман (шаҳар)ларда ташкил этиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 13. | Олий ва ўрта-махсус таълим билан қамраб олинмаган битирувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бўш иш ўринларига жойлаштириш. | 1. Таълим билан қамраб олинмаган ишсиз ёшлар рўйхатини тузиш.<br>2. Битирувчиларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш.<br>3. Битирувчиларнинг муносиб иш топишларига кўмаклашиш. | 2022 йил август<br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида<br>доимий | Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, сектор раҳбарлари |
| **II. “Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида ёшлар билан “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш** | | | | | |
| 14. | Ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида **беш ташаббус олимпиадалари**нинг **“маҳалла-сектор-туман-вилоят-республика”** босқичларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини шакллантириш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Олимпиадаларнинг маҳаллий босқичларини ўтказиш.<br>3. Олимпиадаларнинг ҳудудий ва республика босқичларини ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий бюджет маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 15. | 30 июнь – “Ёшлар куни” муносабати билан республиканинг барча ҳудудларида **“Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик”** шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва лойиҳа концепциясини тасдиқлаш.<br>2. Ёшлар фестивали дастури ва иштирокчилар рўйхатини шакллан-тириш.<br>3. Ёшлар фестивалларини юқори савияда ташкил этиш. | 2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий бюджет маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 16. | Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг навбатдаги **Қурултойига** тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш. | 1. Ташкилий гуруҳ тузиш, чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br>2. Қурултой делегатлари рўйхатини шакллантириш.<br>3. Тадбирларни юқори савияда ўтказиш. | 2022 йил август<br><br>сентябрь-октябрь | Ёшлар ишлари агентлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 17. | Турли соҳаларда юксак натижаларга эришган ёшлар вакилларини **“Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони** ва **“Таҳсин” мукофоти** билан тақдирлаш. | 1. Танлов комиссияларини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Мукофотга номзодлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Номзодларни ўрганиш ва тақдирланувчилар рўйхатини тасдиқлаш.<br>4. Тантанали тақдирлаш маросимларини ўтказиш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 18. | Маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ўртасида **“Йилнинг энг намунали маҳалла етакчиси”** танловини ташкил ўтказиш. | 1. Танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг туман (шаҳар) босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг ҳудудий ва республика босқичларини ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги |
| 19. | Ёшлар орасида хорижий тилларни оммалаштириш мақсадида ҳудудларда **ҳорижий тиллар билимдони марафонини** ўтказиш ҳамда мавсумий **“Ибрат тиллар оромгоҳи”**ни ташкил этиш.<br>Шунингдек, **“Ибрат медиа маркази”** фаолиятини йўлга қўйиш. | 1. Ташкилий гуруҳ тузиш, чора-тадбирлар режаси ва концепциясини тасдиқлаш.<br>2. “Ибрат тиллар оромгоҳи”га ва хорижий тиллар билимдони марафонига республиканинг барча ҳудудларидан ёшларни жалб қилиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 20. | Шахматни ёшлар ўртасида оммавийлаштириш, профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстерларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тренерлар учун муносиб меҳнат шароитини яратишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни белгилаш. | 1. Ишчи гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш, шахматни оммалаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ва концепциясини тасдиқлаш.<br>2. Амалга оширилган ишларни ОАВ орқали тарғиб қилиш.<br>3. Ёшлар орасида шахматни ривожлантиришга қаратилган мусобақаларни тизимли равишда ўтказиб бориш. | 2022 йил июнь-август<br><br>2022-2023 йилларда алоҳида режа асосида | Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, |
| 21. | 7 дан 14 ёшгача бўлган болаларнинг маданият ва санъат соҳасидаги иқтидорини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар ўртасида **“Камалак юлдузлари”** республика кўрик-танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил августь<br><br>октябрь-ноябрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадиий академия, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 22. | Ёшларнинг замонавий техника ва технологияларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларда инновацион тафаккур ва яратувчанлик қобилиятини ривожлантириш мақсадида **“Илм инновация ва тараққиёт”** республика кўрик-танловини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, танлов низоми, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. “Илм инновация ва тараққиёт” республика кўрик-танловини ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>июль-декабрь | Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Фанлар академияси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги, тегишли вазирлик агентлиги, тегишли вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 23. | Ўқувчи ва талаба ёшларнинг мантиқий фикрлаш, танқидий таҳлил ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятини ривожлантириш мақсадида **“Мунозара”** тўгаракларини ташкил этиш ва республика турнирини ўтказиш. | 1. “Мунозара” тўгарагининг низоми, услубий ҳужжатларини тасдиқлаш, малакали тренерларни тайёрлаш.<br>2. Тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларга ёшларни жалб қилиш.<br>3. Тўгарак аъзоларидан ташкил топган ҳудудий жамоалар ўртасида республика турнирини ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>июль-ноябрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |
| 24. | Интеллектуал мусобақалар ғолиблари ва иқтидорли ёшлар учун **“Интеллектуал мактаб”** мавсумий оромгоҳ лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, интеллектуал мусобақалар ғолиблари ва фаол иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Мусобақалар ғолиблари ва фаол иштирокчилар учун Тошкент вилоятининг, Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар оромгоҳи”да тренинг ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги |
| 25. | Ёшлар ўртасида китобхонлик ва мутолаа маданиятини кенг тарғиб этиш, уларнинг китобга бўлган қизиқишини янада ошириш ва рағбатлантириш мақсадида **“Ёш китобхон”** республика танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги |
| 26. | Ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш. | 2022 йил сентябрь-октябрь | Халқ таълими вазирлиги маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | руҳида тарбиялашга қаратилган **“Ватан тақдири менинг қўлимда”** мавзусида **иншолар танлови**ни ўтказиш. | 3. Танловнинг республика босқичини ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш. | ноябрь | | |
| 27. | Ёшлар ўртасида **“Заковат”** интеллектуал ўйинлари танловини ўтказиш. | 1. Иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш.<br>3. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил июль<br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, “Заковат” ННТ |
| 28. | Миллий кино санъати аҳамиятини оширишга қаратилган **“Кино ва ёшлар”** форуми ҳамда ёш кино ижодкорлари томонидан суратга олинган **қисқа метражли фильмлар республика танлови**ни ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, танлов низоми, дастури ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Форум ва танловни Тошкент шаҳрида ўтказиш. | 2022 йил июнь<br>июнь-июль<br>октябрь | Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳамда ҳомийлик маблағлари | Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 29. | Ёшларнинг ахборот технологияларига бўлган қизиқишларини ошириш ва иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **“Бир миллион дастурчи”** лойиҳасини амалга ошириш ҳамда **“Ахборот технологиялари билимдони”** танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Тадбирларни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш.<br>4. Танловни Тошкент шаҳрида ўтказиш. | 2022 йил июнь<br>2022-2023 йиллар давомида<br>2022 йил ноябрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 30. | Илмда ва жамоат ишларида катта ютуқларга эришган талабаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган **“Йил** | 1. Ишчи гуруҳ шакллантириш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш. | 2022 йил август | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, тассарруфида олий |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | **талабаси”** танловини ташкил этиш. | 2. Танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | сентябрь<br><br>2023 йил январь | ишлари агентлиги маблағлари | таълим муассалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар |
| 31. | Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида **“Талабалар театр студиялари”** танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил сентябрь<br><br>октябрь-ноябрь<br><br>2023 йил январь | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, тассаруфида олий таълим муассалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар |
| 32. | Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жисмоний камол топтиришга қаратилган **“Ёш чегарачи”, “Ёш қутқарувчи”, “Темурбеклар”** ҳарбий-спорт мусобақаларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарорлари ва тадбирлар режаларини тасдиқлаш.<br>2. Мусобақаларнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Мусобақаларнинг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил июнь<br><br>октябрь<br><br>ноябрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ёшлар ишлари агентлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Ватанпарвар” ташкилоти, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши |
| 33. | Ёшларнинг экологик маданиятни юксалтириш, уларда табиатни асрашга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилган **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Лойиҳа бўйича тарғибот тадбирлари ва акциялар ташкил этиш.<br>3. Ҳудудларда мевали ва манзарали кўчатлар экиш. | 2022 йил сентябрь-декабрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 34. | Ёшлар ўртасида истироҳат боғлари, дам олиш масканлари, сув ҳавзалари ва бошқа жамоат жойларини озода сақлашга қаратилган **экологик лойиҳа**ни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. | 2022 йил июнь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Маданият вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 2. Туман ва шаҳарларда ёшлардан иборат ташаббускор гуруҳларни шакллантириш ҳамда жойларда экологик тадбирларни амалга ошириш. | 2022-2023 йиллар давомида | ҳомийлик маблағлари | |
| **III. Ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш** | | | | | |
| 35. | Маҳаллаларда ёшларни ватанпарвалик руҳида тарбиялаш уларда фидойилик ва масъулият туйғуларини шакллантириш мақсадида маҳалла-сектор-туман-ҳудуд-республика даражасида **“Темур тузуклари билимдони”** танловини ташкил этиш. | 1. Танловни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш.<br>2. Танлов ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш.<br>3. Танлов тўғрисида ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш.<br>4. Танлов босқичларини ҳар томонлама сифатли қилиб ўтказилишини таъминлаш. | 2022 йил июль-август<br><br>сентябрь-ноябрь<br><br>декабрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва марифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги |
| 36. | Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллигига бағишлаб, **“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати”** тарғибот лойиҳасини амалга ошириш. Лойиҳа доирасида **“Ёшлар ва қонун”, “Ёш ҳуқуқшунос” танловлари**ни ўтказиш. | 1. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш.<br>2. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш, улар учун ўқув-семинар ташкил қилиш, тарғибот материаллари билан таъминлаш.<br>3. Тарғибот ишларини режа асосида барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш.<br>4. “Ёшлар ва қонун”, “Ёш ҳуқуқшунос” танловларини ўтказиш. | 2022 йил сентябрь<br><br>октябрь-ноябрь<br><br>декабрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 37. | Ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган **видео ва махсус тарғибот материалларини яратиш**. | 1. Ижодий гуруҳ тузиш, видео ва махсус тарғибот материаллари концепциясини ишлаб чиқиш.<br>2. Видео ва махсус тарғибот материалларини яратиш.<br>3. Тарғибот материалларини барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларга етказиш. | 2022 йил июнь<br><br>сентябрь-ноябрь<br><br>декабрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Кинематография агентлиги |
| 38. | Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг **ҳарбий қисмларига экскурсиялар**ни ташкил қилиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳудудларда ўқувчи-ёшларнинг ҳарбий қисмларга экскурсияларини ташкил этиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, “Ватанпарвар” ташкилоти |
| 39. | **Ёшлар ҳаётида учраётган муаммоларни ўрганишга қаратилган** ижтимоий сўровлар ўтказиб бориш. | 1. Ижтимоий тадқиқотларни ўтказиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.<br>2. Сўровларни ташкил этиш, сўров натижаларидан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йиллар давомида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар муаамоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Маънавият ва маърифат маркази |
| 40. | Ёшларда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш мақсадида **“Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” ёшлар акцияси**ни ташкил этиш. | 1. Акцияни ўтказишга доир чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br><br>2. Акцияни барча ҳудудларда ёшларни кенг жалб этган ҳолда ташкил этиш.<br><br>3. Акция доирасидаги тадбирларни ОАВда кенг ёритиш. | 2022 йил август<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Маданият вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 41. | Ҳар бир маҳаллада **“Бир нуронийга ўн нафар ёш”** тамойили остида тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ёшларни обрў-эътиборли, юқори ҳаётий тажрибага эга нуронийларга бириктириш. | 1. Маҳаллаларда тарбияси оғир, маънавий кўмакка муҳтож, уюшмаган ёшлар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Обрў-эътиборли нуронийларга ёшларни бириктириш, улар билан тизимли ишлашни ташкил этиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йиллар давомида | - | “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси |
| 42. | Беҳаёлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва уларнинг ёшлар ўртасида тарқатилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Барча ҳудудларда мазкур масалалар юзасидан мониторинг ўтказиш.<br>3. Аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш ва профилактик чоралар кўриш ҳамда мазкур масалаларни телевидение ва бошқа ОАВ орқали кенг ёритиш. | 2022 йил июнь<br><br>2022-2023 йиллар давомида | - | Ички ишлар вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| 43. | Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида Ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспектори ўртасида тезкор маълумот алмашинуви ва амалий ҳамкорик механизмларини яратиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br>2. Тезкор маълумот алмашинуви ва амалий ҳамкорик механизмларини тартибга солувчи қўшма ҳужжат ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Маълумот алмашинуви ва амалий ҳамкорик механизмларини жорий этиш. | 2022 йил июнь-июль<br>2022-2023 йиллар давомида | - | Ёшлар ишлари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш вазирлиги, |
| 44. | Ички ишлар идораларида профилактика ва пробация ҳисобида турган ёшлар учун **“Ватанпарварлар”** ҳарбий-ўқув йиғинларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Профилактика ва пробация ҳисобида турган ҳамда ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган ёшлар рўйхатини шакллантириш. | 2022 йил июнь-июль<br>2022-2023 йиллар давомида | Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар | Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Ҳар бир ҳудудда “Ватанпарварлар” ҳарбий-ўқув йиғинларини ташкил этиш. | | ҳокимликлари маблағлари | Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 45. | Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Барча ҳудудларда белгиланган масалалар юзасидан мониторинг ўтказиш. Мазкур муаммонинг сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш.<br>3. Таҳлил асосида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик чоралар кўриш. | 2022 йил июнь<br>2022-2023 йиллар давомида | Ижрочилар маблағлари | Ички ишлар вазирлиги,<br>Халқ таълими вазирлиги,<br>Маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш вазирлиги,<br>Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси,<br>Ёшлар ишлари агентлиги |
| **IV. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш** | | | | | |
| 46. | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва нодавлат телеканалларида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни турли ёт ғоя ва паст савияли “оммавий маданият” таъсиридан асрашга қаратилган **туркум телерадиодастурлар эфирга узатилишини йўлга қўйиш.** | 1. Ижодий гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Телерадиодастурлар концепцияси ва лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Туркум телерадиодастурларни яратиш ва эфирга узатиш. | 2022 йил июнь-июль<br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,<br>Халқ таълими вазирлиги,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази |
| 47. | Ёш журналистларнинг замонавий талаблар асосида билим ва тажрибаларини ошириш мақсадида **“Ёш журналистлар оромгоҳи”** лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш ва лойиҳа доирасида амалга ошириладиган тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Лойиҳага жалб этиладиган ёш журналистлар рўйхатини шакллантириш. | 2022 йил июнь-июль<br>август | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги,<br>Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси,<br>Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси, |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 3. Тошкент вилоятининг, Бўстонлиқ туманида “Ёш журналистлар оромгоҳи” лойиҳасини амалга ошириш. | | | Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси |
| 48. | Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган **видеороликлар танлови**ни ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Танловни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, видеороликларни танлаш ва Ёшлар ишлари агентлиги веб-сайтига жойлаштириш.<br>3. Видеороликларни Интернет орқали (овоз бериш йўли билан) баҳолашнн ташкил этиш. | 2022 йил июнь<br><br>июль-сентябрь<br><br>октябрь | Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари | Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Маданият вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Фанлар академияси, Маънавият ва маърифат маркази |
| 49. | Узлуксиз таълим тизимида **ёшларнинг медиа саводхонлигини ошириш**га қаратилган ўқув дастурларини жорий этиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, медиа-саводхонлик бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш.<br>2. Малакали педагог-мутахассис-ларни жалб қилган ҳолда ўқув дарсларини ташкил қилиш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги маблағлари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази |
| 50. | **“Uzbekistans’s club”** ижтимоий мотивацион медиа платформаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали хорижий давлатларда юқори натижаларга эришган ёш юртдошларимизга бағишланган эксклюзив контентлар яратиш. | 1. Ижодий гуруҳни шакллантириш, тадбирлар режаси ва сценарийларни ишлаб чиқиш.<br>2. Хорижда юқори натижаларга эришган ёш юртдошларимизга бағишланган фильмлар яратиш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги |
| 51. | **“YouTube”** платформасида самарали ижод қилаётган ва фойдали контент яратаётган ёшларни муносиб тақдирлаш, | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш, лойиҳа концепцияси ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. | 2022 йил июль | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| | **“YouTube O’zbekiston”** лойиҳасини амалга ошириш. | 2. Лойиҳани амалга ошириш орқали, ёш муаллифларни кашф этиш ва платформада ўзбек тилидаги контентни кўпайтириш. | 2022-2023 йилларда режа асосида | | |
| 52. | Юртимизда фаолият юритаётган тажрибали дизайнерлар иштирокида ёшларни дизайнерлик соҳасига қизиқтириш ва соҳа сирларидан хабардор қилиш мақсадида **Design Club** лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, лойиҳа концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Лойиҳани ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш.<br>2. Design Club лойиҳасини амалга ошириш. | 2022 йил июль<br><br>2022-2023 йилларда ҳар чоракда | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, вазирлик ва идоралар |
| 53. | Болаларнинг дунёқарашини қадриятларимизга мос равишда шаклланишига хизмат қиладиган замонавий **мултипликацион ва анимацион медиа** маҳсулотлар танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳ тузиш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Танловни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, мултипликацион ва анимацион медиа маҳсулотларни танлаш ва Ёшлар ишлари агентлиги веб-сайтига жойлаштириш.<br>3. Мултипликацион ва анимацион медиа маҳсулотларни Интернет орқали (овоз бериш йўли билан) баҳолашнн ташкил этиш.<br>4. Танловни ғолибларни муносиб рағбатлантириш. | 2022 йил июнь<br><br>июль-сентябрь<br><br>октябрь<br><br>ноябрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Кинематография агентлиги, Маданият вазирлиги |
| 54. | Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар натижадорлиги, **“маҳаллабай”** амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилувчи **“Стратегик куч”** номли ҳужжатли фильм суратга олиш. | 1. Ижодий гуруҳни шакллантириши, ҳужжатли фильм сценарийсини ишлаб чиқиш.<br>2. Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби хусусида ҳужжатли фильм суратга олиш. | 2022 йил июнь-июль<br><br>декабрь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси |

| Т/р | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|
| 55. | Фан, таълим, санъат, маданият ва спорт соҳасида муваффақиятга эришган ёшлар тажрибасини ўрнак сифатида кўрсатишга қаратилган **“Modul–5”** лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Лойиҳа концепцияси ва тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.<br>2. “Modul – 5” лойиҳасини амалга ошириш.<br>3. Лойиҳада иштирок этган ёшларни муносиб рағбатлантириш. | 2022 йил июль<br>2022-2023 йилларда режа асосида | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи |
| **V. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш** | | | | | |
| 56. | Тошкент шаҳрида **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар Кенгашининг навбатдаги йиғилишини** ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Йиғилиш дастури ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Йиғилишни ўтказиш. | 2022 йил июнь | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 57. | Ўзбекистон ва Қирғизистон ёшлари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган **“Ўзбекистон – Қирғизистон ёшлар конгресси”**ни ташкил этиш. | 1. Тадбир режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>2. Тадбир дастури ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Конгрессни ўтказиш. | 2022 йил июнь-август | Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги |
| 58. | Самарқанд шаҳрида ёшлар ўртасида **мнемоника** бўйича халқаро турнир ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. Турнир дастури ва иштирокчилар рўйхатини шакллан-тириш.<br>4. Турнирни ўтказиш. | 2022 йил август<br>сентябрь<br>октябрь | Ёшлар ишлари агентлиги ва маҳаллий бюджет маблағлари | Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ташқи ишлар вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3